**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2023 йил 25 августдаги №02-1-РА 2-4918-сон топшириғига мувофик жорий йилнинг 11-15-сентябр кунлари ТКТИ корхоналар ва таълим муассасалари билан ишлаш бўйича проректори А.Н.Шернаевнинг Душанбе шахрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари ОТМ ректорлари 2-форумидаги хизмат сафари бўйича ҳисоботи**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2023 йил 25 августдаги №02-1-РА 2-4918-сон топшириғи, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023-йил 4-сентабрдаги 2/24-1/25-671-сонли хатига мувофик жорий йилнинг 11 сентябр куни Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги расмий делегацияси таркибида Ташкент-Душанбе йўналиши бўйича “SZ226” авиа рейс билан парвоз амалга оширилди.

2023 йилнинг 11 сентябр куни Душанбе шаҳридаги “Hyatt regency Dushanbe” меҳмонхонасига расмий делегация билан биргаликда жойлашилди.

2023 йилнинг 12 сентябр куни Тожикистон маданий ёдгорликлари ва тарихий обидаларини ўрганиш бўйича экскурсия ташкил этилди.

Форум доирасида Тожикистон миллий университети, Тожикистон технология университети, Ўш давлат университети, Евроосиё миллий университети, Тожикистон Сервис ва ишлаб чикариш университети, Туркманистоннинг Ўғуз Хан инженер технология университетлари ректорлари, проректорлари билан музокаралар ўтказилиб, улар билан илмий-услубий хамкорлик, академик мобиллик йўналишида шартнома ва меморандумлар имзоланди.

2023 йилнинг 13 сентябрь куни Тожикистон миллий университетида Марказий Осиё давлатлари ОТМ ректорлари 2-форуми расмий очилиш маросида иштирок этилди.

Форум кун тартибига кўра 2-секция йиғилишида “Международные инновационные подходы в образовании - перспективы развития совместного и дуального образования” мавзусидаги презентацияси билан иштирок этилди.

2023 йилнинг 14 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев бошка етакчилар билан биргаликда Душанбе шаҳридаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашуви доирасида ўтказилган “Дўстлик” концерт дастури ва бошка маданий тадбирларда иштирок этилди.

2023 йилнинг 11-15 сентябрь кунлари Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтдиган Марказий Осиё давлатлари олий таълим муассасалари ректорлари Иккинчи форуми доирасида Тошкент кимё-технология институти ва Тожикистоннинг бир катор олий таълим муассасалари ўртасида илмий-тадкикот, қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, талабалар академик мобиллиги ва профессор-ўқитувчилар стажировкаларини ташкил этиш бўйича ... меморандуми ва ҳамкорлик шартномалари имзоланди



**Жумладан:**

Тошкент кимё-технология институти ва Тожикистон Технология университети ўртасида англашув меморандуми имзоланади. Тошкент кимё-технология институти ва Тожикистон Технология университети факультетлари билан танишув жараёнлари олиб борилади ва тажриба алмашинилади. Озиқ-овкат соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилишига келишилди.





2. Тошкент кимё-технология институти Корхоналар ва таълим муассасалари билан ишлаш бўйича проректори Анвар Нормаматович Шернаев томонидан "Международные инновационные подходы в образовании - перспективы развития совместного и дуального образования" мавзусида маъруза билан қатнашади.








3 Тожикистон Ишлаб чиқариш ва сервис институти билан 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб халқаро қўшма таълим дастурларини ташкил этиш бўйича шартнома

имзоланади, бунда Тожикистон ёшлари Тошкент кимё-технология институтида ўкишларини ташкил этиш ва тожикистонлик профессор – ўқитувчиларнинг Тошкент кимё-технология институтида малака оширишлари, талабалар академик мобиллиги бўйича хамкорликни йўлга қўйишга келишилди. Хўжанд вилоятидаги Сўғд иктисодий ишлаб чиқариш зонасидаги ишлаб чиқариш корхоналари ишчи мухандис ходимларини Тошкент кимё-технология институтида ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича шартнома имзоланади.






4. Кулоб универ[illegible]ети билан шартнома имзоланди.






...ргизистоннинг. Ўш давлат технология университети билан англашув меморандуми имзоланади, озиқ-овқат ва кимёвий технологиялар соҳаларида муҳандислар тайёрлаш ҳамда профессор-ўқитувчилар стажировкалари бўйича масалалар ҳал этилди.




2023 йилнинг 15 сентябр куни Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги расмий делегацияси таркибида Душанбе-Ташкент йўналиши бўйича "SZ225" авиа рейс билан парвоз амалга оширилди.

Меҳмонхона чеки, авиачипталар, паспорт нусхаси, хамкорлар билан имзоланган шартномалар, расмлар ва форум дастури ҳисоботга илова этилади.

**Корхоналар ва таълим муассасалари билан ишлаш бўйича проректор** **А.Н.Шернаев**